



Оҳангарон районидagi Тошкент от заводининг чорвадорлари ет-хашак-тулаш ниларини тўхта-сиз давом эттиришмоқда. Бу ерда сенаж бостирлиги пилани бир неча кун ичида бажарилади. Шун-га қарамай иш тўхтатилган йўқ. Қўшимча сенаж бостирилапти. Суратда: сенаж учун тайёрланаёт-ган озуқани ўриш пайти.

АДР БАҲОДИРЛАРИ

Йўллар, равои йўллар. Бўка-дан Бекободгача бўлган бепоев адирилар бағрида барпо этилган Ҳамза номи, «Партия XX съезди» колхозлари, «Бўка» ва «Кўк-орол» совхозларини бир-бирига туташтирувчи асфальт ётқизилган йўллардан ўтганимизда бундан ўн-беш йиллар чамаси шу йўл қури-лишида иштирокчи, бир шифернинг сўзлари эсимизга тушди.

Биз шунда Бўкадан Кўкороя томонга ўтмоқчи эдик. Шунда са-мосал машинасининг шифери: — У Бўка борматаларинг маъжуй, — деб масалат берди.

— Нима учун?

— Чанг орасида қўлиб кетиш-ларинг мумкин.

Ҳа, асфальт йўллар қурилганга қадар бу адирилар ана шундай эди. Ҳозир эса равои йўлнинг икки ёқасида пахтазору, галлазоралар ясталанган. Паст-баланд адирилар кўзни қувонтиради. Экинзорларда машиналар ҳайқирини, деҳқон-лар ҳаракати бир зум ҳам тинмай-ди. Ҳамма бир мақсад йўлида тер туниб, меҳнат қилмоқда.

Бўка районидagi 23 минг гек-тардан ортиқ пахтазорининг 15 минг гектарга яқини ана шундай паст-баланд адирилардан иборат. Лекин буюқлиқлар ҳосилдорлигини оширишда, машиналар билан пахта теришда ҳамон илдам бориш-моқда. Уларнинг бу йилги ахллари юксак. Областаги илгори рай-онлар қаторидан мустахкам ўрин олди. Шу кунларда бепоев пахта-зорларда олиб борилаётган иш бў-наклиларнинг сўзи билан ишчи би-раканингдан далолат бериб ту-рибди.

Шу йил 9 май куни, Бўка рай-он марказида очилган «Шон-шух-рат» ёдгорлиги марказ жамолани очиб юборди.

Бу баланд тепалик узоқ йиллар қаровсиз эди. Ёзда офтоб иссин-да жизгана бўлиб ҳунук кўринар-ди. Унинг устида ногирон бир чайла маънос турарди.

Кенсаларнинг нақл қилишлари-ча, биринчи буюқлиқлар дастлаб шу тепа устига кўчиб келиб мак-он қуришган экан. Кейинроқ катта қишлоқ вужудга келган, у қоровулқўрғонга айланган.

У самонлар абдул-абдул жайтмас бўлиб кетди. Мана энди бу тепа Бўканинг чиройига чирой, кўрсига кўрк қўшиб турди. Бахтимиз, эркинлик ҳимоясини, халқимизнинг шон-шарафини, бутун вужуддан куч ёғилиб турган, мускуллари бўғиб чиркан юмшаким солдат-нинг ражвий қиёфаси эди. Ба-хтимиз душманлари билан беом-жон жангларда қурбон бўлган аза-мат буюқлиқ жангчилар хотира-сини абадийлаштириб, келгуси ав-лодлар учун даъват сифатида ма-гур турди.

Бу «Шон-шухрат» ёдгорлиги чиндан ҳам буюқлиқларнинг фа-хридир.

Бўкадан Бекобод томонга на-раб ўн километрга ўтганда, йўл тапга борибди, адирилар бағрига кириб боради. Машиналар гоҳ пастта шўнғийди, гоҳ шилдак би-лан тепаликка кўтарилиб олган ни-тилди. Ҳаммаёқ пахтазор.

— Бу ерларда пахта еттишти-ришнинг неча йил бўлди? — сўрадик ҳамроҳимиз «Партия XX съезди» колхозлар партия ташкило-тининг секретари Аширмат Мама-товдан. У худди шу саволни қў-либ тургандай сўзга тўшди кетди.

— 1959 йили Тошкент навали-нинг ўнг шохобчаси қурилиши ту-ғаланиб, бизнинг мана шу эски Қорақулқў қишлоғига ҳам сув келди. Ўшанда мен, ҳозир колхоз экономисти бўлиб ишлаёт-ган Абдукарим Абдураимов, ме-ханизатор Мамекул Баротов ва бошқа 10-синфини тутатган кўпчи-

на йилги-қизлар бу адириларни ўз-лаштириб, биринчи марта чигит эдик. Асрлар мобайнида оқар сув қўрмаган тупроқда пахта еттиштириш ҳам жуда мушкул, ҳам қувончли эди. Мушкуллиги шунданки, сал беларволик қилсанг, сув тупроқни бутунай юниб, кў-чат билан бирга оқибди кетарди. Асқимиз деҳқон эмасми, бунга сира йўл кўймадик. Ўзанинг кўл-сайини туркираб ўсинини таъмин-ладик.

Сув мўл, атрофда пахта экила-диган ер кўп. Аммо куч етишмас эди. Шунда кўшнни Тожикистон ССР Матчоҳ районидан бир гуруҳ деҳқонлар кўчиб келишди. Ҳозир улар мана шу сизлар кўриб тур-ган 300 гектарлик участкани обод қилиб етишибди. Улар билан ака-укадай бўлиб кетганимиз.

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАЗОРЛАРИДА

Колхоз партия ташкилотининг секретари, матчоҳлик деҳқонлар ҳақига, уларнинг қил, ўта ишба-ерларига, ўзани қондириб сўри-лиш маҳоратлари, одамшавирли-гини, меҳмоннавозлигини тўғрисида кўп анжуми сўзларини айтиб берди.

Дарҳақиқат, Мирзасадар Бада-лов, бошлқ бу участка деҳқонлари-га тараф йўқ. У участка бешта механизациялашган эвонга — бў-лингчи, Техникани пухта эгалаб олган Шариф Шайев, Шер Ва-лиев, Исо Исов, Сафар Мансуров, Иромо Шосандовлар айниқса ке-чаги кучли жаладан кейин қатла-лоқ юзга келмаслиги учун ўзга култивациясини кучайтириб юбордилар. Бу йил улар бутун майдонга «Тошкент-3» навали ян-ги сервосил чигитни 90х20 схема-сида экиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда айниқса сувчилар катта масъулият сезган ҳолда ме-ҳнат қилишпти. Кун қаттиқ исин-пти. Тупроқ тез қизибди. Бундай шaroитда ўзга сувга қондирили-ли кераклигини сувчилар ҳамма-дан яхши биладилар.

Шахбўй Валиев, Шамс Шам-сиев, Назар Давлатов, Шамс Но-сировлар эгитларга тараб қўйган сувнинг бир меърада жилдираб оқиниш, ўзга инҳолларига оби-ҳат беришини, сувга қонган ўза-ларнинг турлираб ўсинини кў-риб сувчининг маҳоратига тасано-дейсиз.

Колхознинг Эркўл Соатов бос-

КОНФЕРЕНЦИЯ МАВЗУСИ — ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ РҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Тошкент авиация заводи пар-тия комитети ишлаб чиқариш комитетлари учун назарий конференция ўтказди. Конференция «КИСС XXIV съезди» ривожланган социалистик жа-мийат қуриш ва миллий масала-рини ҳал қилиш тўғрисида» деган мавзуга бағишланди.

Беш жутахасаслар, ҳеш ва бўйларнинг бошқидаридан бир гуруҳаси ҳозирги босқичда беш жамиятининг социал-структураси, иттифоқдор рес-публикаларнинг экономикаси ва маданийлиги янада ривожлан-тириш, социалистик миллатлар-нинг шаклланиши, равақи ва аста-секин бир-бири билан яқин,

лик 10-ва Пардабўй Мамедиев бошлқ 11-бригада деҳқонлари ҳам жала оқибатларини тутатиш, ўзгаларни суғуришни тезлатиш учун ғайрат билан меҳнат қил-моқдалар.

— Ўзга ҳозир қанча тез ва қониб сув ича, шунча яхши, — дейди колхоз раиси Мирзааҳмад Хайитбоев, — шу босдан сувчи-лар сонини колхоз бўйича 64 дан 90 кишига етказдик. Колхоз ме-ҳнатчиларининг руҳи ҳар қачончи-дан баланд. Дастлабки ҳосил — давлатга пилла сотиш пиланини 174 процентдан ошириб бажардик. Пилла бўйича беш йиллик пилан шу зарбдор учинчи йилдаёқ бажарилади.

Хўжалиқнинг бошқа тармоқла-рига ҳам катта эътибор берила-пти. Сигирлардан сут соғиб олишни ошириш учун ҳозир уларни кўк ва ширали ўт билан боқамиз. Би-ринчи ўримда 40 гектар ердаги беда сенаж қилинди. 40 гектар пилан учун гарамга босилди. 18,5 гектари молларга кўк ҳолда еди-рилди.

Кўш ғарб томон оғиб, адирилар ортига аста бос қўйди. Қушдуги ҳарорат пасайди. Ёғил шабада ўйнаб, танларга ором, дилларга ҳу-зур бағишлар эди.

Чаргон қишлоқ кўчаси равои-м бўлиб кетди. Илдан қайтган ки-шилар бир-бирларидан бутунги-ниш натижаларини суриштириб, ха-лал-мутобиқа қилишар эди. Ҳовли-ларда радио ва телевизорлардан билим қўй тараляди.

Кўк чойдан кейин бировлар телевизор олдида жой олади. Йилги-қизлар тўплайиб гурунла-шди, ўқувчилар дарс тайёрлаш, сиртдан ўқувчи студентлар итти-б билан машғул. Қушдуги меҳнат-дан кейин ҳамма ўз ҳолича ҳор-диқ чиқарди.

Колхоз правленияси биносида ҳам ҳаёт «ўз ҳолича» давом эт-тирди. Бу ерда қушдалик ишга яқин ясалди, ортага қилинган иш-ларнинг режаси тузилди. Секре-тарь қизинг ҳам қўли-қўлига те-майди. У ҳозиргина беш табеличи тайёрлаган сводники кўп нуҳса-да қўйради. Пилла топириш-иши бажаришдан кўн дала ишида қатнашувчилар сон 100 кишига қўйлади. Санкам 300 ки-ши ўзга чопида қатнашган. Уларнинг ярмидан кўпи қушдалик нормани 1,5 баравар бажардилар.

«Партия XX съезди» колхоз-нинг пахтазорлари, чорвадорлари беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун ҳар қачончи-дан ҳам баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ,
Б. ШОНАЗАРОВ.

(ЎзТАГ).

17
июнь
1973

МАҲАЛЛИИ
СОВЕТЛАРГА
САЙЛОВЛАР
КУНИ

НОМЗОДЛАР

САЙЛОВЧИЛАР

ҲУЗУРИДА

Яқинда Бекобод районидagi 2-«Далваран» совхозда 155-сайлов округида номзод Жа-нилла Бойқўзиёва билан учра-шув бўлиб ўтди. Совхоз ме-ҳнаткашлари бу ишчан, актив жамоатчи аёлини меҳнаткашлар депутатлари обласи Советига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ж. Бойқўзиёва сайловчилар билан учрашувда ўз ишлари ҳақида гапириб берди. Шунинг-дек бу учрашувда район Советига номзод қилиб кўрсатил-ган А. Деҳқонбоев, О. Шону-родовлар билан ҳам қизини суҳбат бўлиб ўтди.

Сайловчилар ўз сўзларида халқимизнинг муносиб номзод-лари учун 17 июнь куни яқ-диллик билан овоз берамиз де-дилар.

И. ЭШБОЕВ.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Эрта тонг. Баҳор тонги наг-ма-наволи, дилқуш ҳаволи тонг. Ороулар доиси, янгидан-янг режамлар гоиси тугиладиган тонг. Ҳа, баҳор тонгининг фай-зи-баракати, кўрн лафоти узаган.

Абдукарим ана, кўламан то кеч кўзгача бундай тонглар-нинг деярли барчасини дала ке-зиб қаршилайди. Ҳа, у тонг шайдоси, дала шайдоси. Унинг учун барча фасл тонглари ба-ҳор тонгидек нағзал, шавқ-завақли.

У бутун ҳам эрта туриб да-лага отланди. Ям-яшил ўзга ни-ҳоллари билан қонланган дала-лар кишини қувонтиради. Ҳаво паст келганига қарамай ниҳол-лар тетик.

Бундан 6 йил муқаддам у колхоз партия комитетини бо-шқарар экан, 5-бригада ахволи-дан кўп ташвиш торди. Кол-хозда энг йирин бригада, 130 гектарлик пахта майдони бор. Лекин ҳосилдорлик паст. Гек-тар бошига 19—20 центнердан ошмайди. Даромад кам.

Навбатдаги партия йилгили-да колхоз партия комитетининг секретари Абдукарим ана Ахта-новнинг арзаси қурилди. У 5 бригадага ўтиб ишлаш истагини билдирган эди.

Коммунистнинг қалб даъвати қондирди. 1967 йилда Ахта-нов колхозда қолон ҳисоблан-ган 5-бригадага бошлқ қилиб тайинланди.

Ўша йили Абдукарим ана

учун кун билан туниги фарқи қолмади. Тинмай изланди, ме-ҳнат қилди. Кишилар қалбига йўз тона билди, тулроқ билан тиллашди, ўзалар билан су-лашди, табиат билан беллашди, ҳушлас ором олмади. Ниҳоят қўлган марра егиланди. 130 гектар ерининг ҳар гектарыдан пилдиги 21 центнер ўрнига 26 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинди. Ўша йили бригада бош-лиги «Меҳнатда ўрнат қўрсат-гани учун» медали билан, аҳо-лардан 3 киши эса «Шавқатли меҳнати учун» медаллари би-лан мукофотланди. 1970 йўла-лик йилида Абдукарим ана кў-сини яна бир медал безади.

Бу Ленин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан та-сис этилган «Юбилей» медали эди. Шу йили ҳосилдорлик гек-тар ҳисобига 30 центнерга ет-ди. Она-Батанга 390 тонна «Дурдона» армуғон этилди.

1972 йўлалик йили Абдука-рим ана ҳаётида унутилмас йил бўлди. 122 гектар ерда деҳқон-чилик йиғиб, ҳар гектар ердан 34,5 центнердан хирмон кўтар-ди. Давлатга 420,9 тонна аҳо-сифатли «оқ олтин» етказиб бе-рилди. Эндиликда Абдукарим ана кўсига «Қурмат белгиси» ордени порламоқда.

Шу йиллар ичида колхозчи-ларнинг турмуш маданияти ошди, даромад кўлайди. Қиш-лоқни ташкил этган бригада аҳолиларининг 15 та яқини ҳов-ли тўйи ўтказди. Барча ҳона-донлар водопровод суви билан таъминланди, газлаштирилди. 3 километрга яқин йўлга, шағал тўйилди. Типовой дала шийо-ни, богча-ясли, кутубхона, ме-

дицина пункти, мактаб, магазин бинолари қурилди. Деярли бар-ча ҳонадонларда радио, телеви-зор бор.

Ахтов бошчилиги қилаётган бригада пахта майдони бу йил янги очилган ер ҳисобига 177 гектарга етди. Эндиликда ям-яшил ўзалар бир тенс бўлиб ривожланмоқда.

Собир Жуманов бошқараёт-ган чопи трактори қартиган у бошдан бо бошга тинимсиз бориб келмоқда.

Нариқода ўнга яқин аркан-лар чим босиб, дамбаларни му-стаҳкамлаш билан машғул. Чи-нор Чинибоев, Қаромон Қо-симов, Баҳром Сулаймонов, Матнож Арслонов каби моҳир сувчилар, Ҳасан Тўраев, Ри-зод Мусоқулов, Собир Жума-нов каби зановод — меҳнатка-шлар, самарали меҳнат қи-лишмоқда.

— Бу йил 172 гектар ерга «Тошкент-3» навали чигит эки-дик, ўзаларимиз тетик, — дей-ди бригада бошини. Бригада-миз бу йил давлатга 575 тонна пахта етказиб бериш текин. Бу ҳар гектар ҳисобига 33,4 цент-нерга тўғри келади. Биз 688 тонналик хирмонни қўзала-миз. Бу, гектар бошига 40 цент-нер демакдир. 5 гектар ерда маккашўри экиб, ҳар гектар-дан 75 центнердан макка дони йиғиб олишга аҳд қилганимиз. Еттиштирилган пахта ҳосили-нинг 95 процентини «Йўлат этак»ларда йиғиб олмақдамиз. Аҳдимиз шундай.

Э. ТУРСУНОВ,
Оққўрғон район, Охунбо-бос номи колхоз.

дунё овози

Чет эл хабарлари

МАСЛАҲАТЛАШУВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

ХЕЛЬСИНКИ. 9 июнь. (ТАСС). Хавфсизлик ва ҳам-корлик масалаларига бағишлан-ган Умумевропа кенгашининг тай-ириш бўйича бир неча йилдан бери бу ерда ўтказиладиган кўп томонлама маслаҳатлашувлар тугади. Ёни: ҳолда ўтган мас-лаҳатлашувларда Европадаги 32 мамлакатнинг, шунингдек АҚШ ва Канаданинг вакиллари иштирокчи. Маслаҳатлашувлар натижасида «Хельсинкида маслаҳатлашувларнинг янгу-ловчи тавсияномалари» деган, ҳужжат қабул қилинди.

Бу ҳужжатда Умумевропа кенгашининг ишчи ташвиш эйтиш ва унинг кун тартиби қандай бўлиши кўрсатиб берил-ган.

Бу ерда маълум бўлишича, кенгашининг кун тартиби қуйи-даги тарада тавсия этилди:

1. Европадаги хавфсизликка тааллуқли масалалар.

2. Экономика, фан ва техни-ка ҳамда атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик.

3. Гуманитар соҳаларда ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик.

4. Кенгашдан сўнг қилинади-ган ишлар.

Кенгаш уч босқичда ўткази-лади. Ташқи ишлар министрла-ри даражасида ўтказиладиган биринчи босқич 3 июлда Фи-линдия пойтахти Хельсинкида очилди.

Кенгашнинг иккинчи босқичи Йеневда (Швейцарияда) очил-ди. Иккинчи босқичнинг иш-қачон бошланиши ташқи иш-лар министрлари томонидан та-йинланди. Кенгашнинг учин-чи босқичини яна Хельсинки-да ўтказиш тавсия этилди. Уни ўтказиш муддатлари кенга-шнинг иккинчи босқичида бел-лаб берилади.

НЕГР АЁЛИ—ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ АЪЗОСИ

НЬЮ-ЙОРК. 8. Негр аёли К. Коллинс Чикагода ўтказилган дастлабки сайловларда Илли-ной штатидан Америка кон-грессининг вакиллар палатасига аъзо қилиб сайланди. К. Кол-линсга демократик партиядан сайловларда қатнашган сайлов-чиларнинг 90 процентдан орти-ги овоз берди.

К. Коллинс АҚШ конгресс-ига Иллиной штатидан сайла-ган биринчи негр аёлдир. Энд-и Америка конгрессининг ва-киллар палатасида иккинчи негр аёли бор.

ТЕЛЕМИНОРА ҚУЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. 9 июнь. (ТАСС). Флорида штатидagi Орландо шаҳрига яқин жойдан АҚШдаги энг баланд телевизи-он минараладан бири-бўйи 450 метрдан баландга қўзилган ми-нора қулади. Минарада турган киши илчи ҳалок бўлди, яна икки илчи оғир жароҳатланди. Телевизион минара тўрт йил муқаддам қурилган эди.



ОЛЬСТЕРДА ҳамон зўравонлик ва террор авжида. Мана шу сиз кўриб турган белфастлик мактаб ўқувчилари ҳар кун илгилек солдатлари сафидан ўтиб, сўнгра мактабларга бора-дилар.

ТАСС фотохроникаси.

ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

— Ёшлигимда кўр ичан на-сали билан оғриб, унинг асра-ти оғир из қолдирганди. Шунда меҳрибон шифокорлар менга қайта ҳаёт бахш этган эдилар. — дейди Насиба она Сандова. — Шифокорларнинг бу ҳимма-ти менинг қалбимда учмас из

қолдирди. Ўшанда бу касоба меҳр қўйгандим. Орауимга эришдим. Дастлаб, беш йил Бўка районидagi шифохонада беш врач бўлиб ишладим, 26 йилдан бери Тўсовет номида-ги физиотерпия касалхонасида физиотерапевт бўлиб ишлаб

келаяпман. Шифокорлик касби билан беморлар отирини енгил қилаётганимдан беҳад қу-вонаман.

Бу гапда жон бор, албатта. Насиба она ўзининг беморларга нисбатан раҳмхўралиги, ширинсу-халлиги, тўғри диагноз қўйиш

билан обрў-этибор қозонган ҳа-лоскорлардан. Урганчилик ўқи-тувчи А. Юмангулова, пласт-масса заводининг илчиси Е. Чепатай, кўп боалик она Зо-ҳида Хўжаева, Тошкент педа-гогика институтининг II курс талабаси Шоира Қомиллова, пен-сионер Абдулла ота Султонов-лар билан суҳбатлашиб бунга ишона ҳосил қилдим.

Улар Насиба онанинг совет кишиларига хос фазилатига ага бўлган ўз касбининг шайдоси эканлиги ҳақида мамнуният би-лан гапирди.

— Бемор сиздан наҳот из-лаб ҳузурингизга келганда биз

шифокорлар уларга энг аввало ҳушмуомалада бўлиб, дардлари-га алаббта даво топамакларини ишотиришимиз керак. Ишонч билан сўзлар беморларга ярим дори вазифасини ўтайди, — дейди Насиба Сандова.

Ҳа, физиотерапевт Н. Сандо-ва касалхонанинг етук шифо-корларидан бири ҳисобланади. У еш медицина ҳодимларига устоз бўлиб қолди. Касалхона жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб келмоқда. Мактаб, завод, маҳаллаларда бўлиб қи-янарли суҳбатлар ўтказиб ту-ралар. Бирнеча йилдан бери на-

салхона ҳурмат тахтасидан рас-ми тушмайди.

Ҳалол меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, бир неча медаллар, фахрий ёр-лақлар билан тақдирланган.

Насиба онанинг турмуш ўр-тоғи Усмон ана Жалолов ҳам 30 йилдан бери Тошкент облас-ти шифохоналарида, кейинги йилларда Фрунзе районидagi 23 поликлиникада беш врач бў-либ ишлаб келмоқда.

Медицина аълочиси Усмон ана кўсини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, бир неча ме-даллар беабо турганлиги узоқ

йиллик ҳалол меҳнатнинг сама-расидир.

Эл шафлаётган, ота-онала-ри касбига илҳос қўйган, ула-рининг қизлари Сурайё Тошкент медицина институтининг даво-лаш факультетини битталади диплом билан тамомлаб, ҳақ саломатлиги йўлида меҳнат қи-лмоқда. Сурайё авиация заводи-га қарашли поликлиникада иш-лайди.

Ҳақ саломатлиги йўлида хизмат қилиб келаётган бу ши-фокорлар оиласига муваффақ-иятлар тилаймиз.

С. СУЛТОНОВ.

ҲАҚИҚАТ

БОҒИСТОН ИЛҲОМЛАРИ КҮТАРИЛИШ

Чимёнда заб ҳолини қузатдим,
Кўтарилмиш қанчалки мушқул.
Қўлларимни ҳарён ўзатдим,
Ҳарён гўзал, ҳар тошда минг гул.
Сўқмоқлар кўп, катта йўл битта,
Одамларни бошлар баландга.
Ирмоқлардан симиранг қиттай,
Дарё бўлиб кинар баданга.
Кўтарилмиш эгиди давом,
Айланар ва тик қоялар.
Шамол ҳам боз тўхтади тамом,
Атроф булут, қуранг соялар.
Кўтарилмиш, айлана ва тоғ,
Пастга қараб тинади кўзим.
Бошда турар қорни бир чўққи,
Пўстин кийган гўё тоғ қизим.
Кўтарилмиш эгиди давом,
Гарчи оғир, гарчи кўп мушқул.
Кўтарилмиш заки бошқача,
Қанот ва шон бағишлар буткул.
Лекин, тушиш... Ҳа, жўн ва содда,
Тушиш фойдасиз, поканд дунёда...

ҚИЗИЛ ОЛМАЛАР

Шўх қулар бу қизлар, эҳ бунча!
Кулгими, ё бўлбуп товуши!
Рухсорми, нақш олма, нимадир!
Йўқотдим, о тамом, эс-қушим:
Бошда бир сават нақш олма,
Енади олмалар ял-ял,
Тиклар кийки остидан
Тимқора кўзлари паймона.
Гўзаллик рамзидир олмалар,
Тоғ-адир бариси олмасор.
Охулар мисоли саф қизлар,
Муҳаббат белгиси — нақш олма
Тоғ аро билмаслар ҳеч озор.
Қизларки қулишмб ўзинлар,
Саватга дид билан термшмб,
Ажиб бир гулдаста тузишлар.
Енади олмалар, ая-я,
Қўғилини шодлиққа тўлдириб,
Боғистон қизлари қулишар,
Кулмаган кишини кўлдириб.

ҚУЁШ ИНЖУЛАРИ

Уззу кун шар-шара,
Уззу кун салқин ел.
Шовқинли бир дара,
Эсади майки ел.
Ермийот ёлғир ҳам,
Томчи ҳам, шаббода.
Юз турфа уфур ҳид
Айланар ҳавода.
Чотқоннинг учда,
Муз ёнар қуёшда.
Тубида ажиб ҳол,
Тўлқинлар ҳар тошга,
Уриллар муз мисол...
Гўёки қор қўчган,
Юғулар ботқиним.
Қуёшми ё ичган,
Харсанглр бағри дим.
Толқикан бадага
Ҳар томчи даводир.
Қуёшнинг инжуси,
Тоғдаги ҳаводир.

Мурод ХАЛИЛ

ЎЗБЕКИСТОН—ҚАРДОШЛАР ОИЛАСИДА

Москвадаги Ленин орденли СССР Марказий Революция музейида «Ўзбекистон — қардошлар оиласида» деган виставка очилди. Олти залга жойлашган виставка экспонатлари Ўзбек халқининг тарихий ҳаёти, санъати ва маданияти тараққиёти билан аниқдан танишмоқдалар. Улар Совет Ўзбекистонининг

улкан завод ва фабрика қурилишлари, поёисиз «оқ олтин» далаларидан сўзловчи қизқарли экспонатларини мароқ билан тамоша қилмоқдалар. Музейнинг мулоҳаза ва тақлифлар дафтари қардош ўзбек халқи муваффақиятларидан текис қувонган меҳмонларнинг қалб сузларига тўлиб бормоқда.

Л. АПАРНИКОВ, Москва шахри.

ПОТОК ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

ТОШКЕНТ НОН-БУЛНА КОМБИНАТИ МУТАХАССИСЛАРИ КАТТА ИШНИ НИҲОЛСИГА ЕТКАЗДИЛАР. УЛАР КОРХОНАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ПОТОК ЛИНИЯНИ ИШГА ТУШИРДИЛАР.

Поток линия жихозларини Россия машинасозлик заводи етказиб берди. Линия узелларини бошқарини тоғтада қулай, У 5—6 мутахассис назоратида ишлайверади.

Дастлабни ҳисоб-китоб бўйича янги технологик линия ҳар суткада 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқара олади. Шунинг таъинида керакки, поток линия фақат макарон ишлаб чиқаришга йхтисослашган, У йил давомида истеъмолчиларга 200 минг тонна макарон етказиб беради.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

«Октябрь 40 йиллиги» колхозда болалар боғчалари ва

аслиларини қуриш ишлари жадд олаб боришмоқда. Яқинда бу ерда 90 ўринлик янги типдаги болалар боғчаси очилди.

Шундай болалар боғчаси Жамбул номи колхозда ҳам ишга туширилди. Яқин кунларда Мичурин номи, «Партия XX съезди» колхозларида ҳам замонавий болалар боғчалари кичкинтойларни ўз бағрига олади.

КЎЧМА ДУКОНЛАР

Матлубот жамияти далада меҳнат қилаётган пахтакорларга савдо хизматини янада яхшилаш учун кўчма дуконлар ташкил қилмоқда. Матлуботчилар дала шийпонларига бориб,


СИНФ ХОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Районнинг кўпгина колхоз, совхозларида ўқувчилар янги типдаги мактабларда таълим тарбия олмақдалар. Бу йил район марказида 536 ўринли янги типдаги мактаб ишга туширилди.

Ҳошвр Тимирязев номи колхозда мактаб биноси қурилиши олиб борилапти. Ҳамза номи колхоз ва «Бўка» совхозида эса мактаблар ёнига қўшмача синфлар қуришмоқда.

М. ЗАРИПОВ. Бўка райони.


ПОЙТАХТ ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРИДА



РЕСПУБЛИКАМИЗ Фанлар академиясининг механика ва элтрикалардош ишхотлар институтини пойтахтнинг янги илмий муассасаларидан бири. Унинг инженерлик сиймологияси лабораторияси коллективни республикадаги турли бино ва ишхотларда инженерлик ҳамда сиймология ўлчам хизматини ташкил қилиш устида ишлайпти.

Суратда: лабораториянинг (чапдан ўнгга) кичик илмий ходими Ш. Одилов, шу лаборатория мудири техника фанлари кандидати Х. Қосимов ва етакчи конструктор И. Қўлмухамбетовларни шў устида кўриб турибсиз. Унда институтнинг янги биноси. Мазкур бинода илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бу ердаги ўлчам махсус механизм ва асбоб-ускуналар олишлар хизматида.

И. Гауэрзон ва В. Сироткин фотоси.



ХИЗМАТ—БЕМИННАТ

Чирчиқ шаҳар автовокзали қошида «Узтрансэкспедиция» Тошкент транспорт агентлигининг филиали ишга тушди. Бу филиал аҳолига асосан транспорт хизмати кўрсатади. Магазиндан ҳарид қилинган турли буюмлар, мебель, кроват, холодильник каби рўзгор ашёлари ҳамда қурилиш материалларини хонадонларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, филиал тўйларда хизмат қилиш учун енгил автомашина ва автобусларга эга. Филиали бундай транспортлар билан таъминлашда Оқ қовоқдаги 2-автобаза маъмурияти ва шаҳар таксомотор автопарки

раҳбарлари гамхўрлик кўрсатмоқдалар. Янги ташкилотимизнинг истиқболли янада яхши бўлади, дейди филиал бошлиғи Нурмухаммад Усмонов. — Гражданларнинг аэропортга элтиб қўйиш, зарур бўлган вақтда самолёт учун билетларини уйларга элтиб бериш билан ҳам шугулланамиз. Филиал областимизнинг барча шаҳарлари ва районларига хизмат кўрсатади.

Бундай қулайликдан чирчиқликлар беҳад миннатдор бўзмоқдалар.

С. ҲАСАНОВ.

Т У З

Мен ҳар доим ўйда овқатланаман. Ошқонани ёймайди. Гала-говур, бунинг устига соатлаб навогада туриш керак. Умуман, овқатланмиш учун уйга боришга олатанганман.

Яқинда хотиним стол устига шоша-пиша дастурхон ёзиб, гап қотди:

— Бизни кутмай овқатланавер, азиям. Шомшў турибсан. Хотиним тўғри гап айтди. Бизда шундан неч қолганларга қаттиқ танабб берилди.

Мен овқатдан бир қошиққина ичишимни сийламанми, шу он юзларим буришиб, кетди. Яна бир қошиқ ичганим — кўзим ёшлариб ҳичқоқ тутаёзди.

— Жудбам, ҳик, — дедим хотинимга аранг тилга кириб, — шў-қу, ҳик... — Сен ҳар доим мени айбостасан, — деди у жаҳди чиқиб. — Ёмаса — ўзинг пишириб ич. Ошқонада овқатлансанг ҳам қарши эмасман. Шўрмил, тавба! Ҳа, айтмоқчи, жуда билгинг келайтган бўлса, мен овқатга бир чимдим туз солганман, холос... Бекордан-бекорга ийиқлиқ қилаверма.

ҲАЖИЯ

У шундай деди-ю, эшикни таъ ёпиб чиқиб кетди.

Чаманда у ҳаддан ташқари қаттиқ бақирди шекилли, ўша заҳотиёқ уйга онам ҳаллослаб кириб келди.

— Сең уни нега урдинг? — дея мени ташлади онам. — Урганам йўқ уни. Овқатни шўр қилиб қўйибсан дедим, холос.

— Эҳ, ўғлим, ўғлим, — таъна билан гапирди онам, — сен хотинлар ишнини қадрламайсан. Бугунги овқат ҳеч ҳам шўр эмас. Мен ўзим туз солганман. Ҳар вақтдагидек ички чимдимгина. Афтидан, ишхонангда таъбинг тириқ бўлганга ўхшайди. Аламга энди хотинингдан ўч олмасан! Бу қилинган яхши эмас, ўғлим!

— Бугун сизларга бир бало бўлдимми? — хушфеллик билан сўради буним хонага кириб. — Бақирсанлар, эшикни тақиллатиб ёписанлар...

— Ҳеч вақо бўлгани йўқ, — дедим мен совуқ суви хўплай туриб. — Овқат шўр бўлиб қопти, вассалом!

— Баҳуда гапни айтиб валдирамал! — тўғиёб кетди буним. — Уйдагиларни ўринсиз хафа қилисан. Рустам, Овқат овқатдек бўлган, чунки унга мен ўзим туз солганман. Уч чимдимгина, холос. Ҳар вақтдагидек.

— Фарида, — деб қақирдим мен синглимни, буним хонадан чиққач, — сен бугун овқатга туз солганмисан?

— С-солганман, — деди қўрқ-писа Фарида. — Ички чой қопида солганман. Нима, оз солибманми? Тузсиз бўлиб қоптимми?

Мен унга жавоб қайтаришга ҳам улгурмадим, Хонага хотиним кирди. Унинг ортидан бирини-кетин онам билан буним шидда билан кириб келишди. Шундан кейин менинг бошимда қанчалар данак чақилганини ўзингиз тасаввур қилиб қўравERING.

Яна ошқонага қараб туёқ пишилатсаммикин, а?

Русчадан Т. Махмудов таржимаси. («Чали» журналидан).



ЯХШИ ДАМ—МЕХНАТГА ХАМДАМ

Дарҳақиқат шундай. Яхши ҳордиқ чиқарган кишининг нафийати аъло, иши унумли бўлади. Бунинг яхши ҳис этган Ленин номи колхоз правлениеси, партия ташкилоти колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма қулайликларни яратиб бермоқда. Дала шийпонларини колхозчиларнинг ҳақиқий оромгоҳига айлантириш учун катта аҳамият берилди.

Яқинда биз шу колхознинг илгор бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты А. Алолат Рўзमतона бошлиқ бригаданинг дала шийпонига бўлди. Шийпон кўркам, хоналари катта-катта, болаҳоли ва айвонли.

Бригада бошлиғи билан учрашиб, бригада аъзолари ишлари билан танишим мақсадида қолғилар томон йўл олдик. Алолат она колхозчилар орасида экан. Салом-аляқдан сўнг мақсадга кўчиди.

Яқин ҳосилининг 82 процентини машиналар ердамида терилди. Ёки ҳосилининг 101 процентини биринчи сирга топширилди. Бу йил ҳам текстарларнинг тўлиқ бўлиши учун курашдик. Мавжуд 108 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан дурдона олишга аҳд қилдик.

Бригада пахтакорлари бу йил зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бақариш борасида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Ўзгани сугориш, озиқлантириш, чопиқ қилиш каби муҳим агротехника тадбирлари бир-бирига боғланган ҳолда сифатли олиб боришмоқда. Бу ишларнинг амалга оширилишида сувчилардан Жуман Маматов, Қўлмурод Тоқмоқов, меҳанизатор Унгар Маржабобов, чопиқчилардан Гулсал Наҳалбоева, Муниҳон ва Қомила Эшонқуловлар қудалиди топшириқларини 1,5—2 ҳисса бақариб, эл ҳурмати қозонишмоқда.

Колхозимиз правлениесидан хурсандимиз, — дейди Алолат она сўзининг охирида, — чунки колхозчиларнинг яхши ишлаб, намунали ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Бу эса гайратта-гайрат қилиб, улкан марраларни етказишга илҳомлантирмоқда. Р. БАГИРОВ, Бекобод райони.

СОВЕТ БОКСЧИЛАРИ ГАЛАБАСИ

Белградда тугаган бокс бўйича Европа чемпионатида Совет командаси ютиб чинди. Баталдошларнингдан тўрт киши — Владимир Засинко, Анатолий Климанов, Вячеслав Лемешев ва Виктор Ульянов қитъа чемпиони номини ва олтин медалларни қўлга киритдилар. Анатолий Камнев кумуш медал билан, Николай Лодин ва Олег Каратев бронза медаллари билан тақдирландилар. Чемпионатда айнисқа москвалик армяник Лемешевнинг галабаси диққатга сазовор бўлди. У қўли жароҳатланиб қолганига қарамай, ҳал қилувчи «жангларда» жасорат кўрсатди. Сўнгги учрашувда руминиялик Настасе устидан ғайратлиқ галаба қилди.

Европа қитъасига келиб биринчи ўртоқлик учрашувини ўтказган Бразилия терма командаси футболчиларни мағлуб бўлдилар. Улар Римда италияликлардан 0:2 ҳисобида енгилдилар. Бу билан Европа чемпионлари жаҳон биринчилигининг финалидаги мағлубият аламини олдилар. Маълумки, Италия терма командаси 1970 йили ҳал қилувчи учрашувини бразилияликларга 1:4 ҳисобида ютказган эди.

Усмирлар ўртасида Европа норасий чемпионатининг финали Англия ва Германия Демократик Республикаси терма командалари чинди. Иккилар майдон агаларини, ГДР ёшлари эса балариялик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

МАЙДОНДА ТЕРМА КОМАНДАЛАР

Ўтган якшанба кунин СССР терма командаси футболчилари Москвада жаҳоннинг собиқ чемпиони — англияликларни қабул қилдилар. Ҳисоб меҳмонлар фойдасига 2:1 бўлди. Ҳисоб

соби 10-минутда англияликларнинг марказий ҳужумчиси Чиверс оиди. Танаффусдан сўнг яна ўн минут ўтат, унинг сўнг басидан сўнг тўп Хурчилаванинг ойигага тегиб, дарвозага кирди. Мербонлар 11 метрдан жарима тўпини киритдилар. (Мунтан).

Усмирлар ўртасида Европа норасий чемпионатининг финали Англия ва Германия Демократик Республикаси терма командалари чинди. Иккилар майдон агаларини, ГДР ёшлари эса балариялик тенгдошларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Реклама ва Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси, 11.00 — «Ялқов ҳақида». Болалар учун қўғирчоқ фильм, 11.25 — «Вулкан билан биргаликда». Бадий фильм (Ўзбек тилида). 12.30 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.30 — Кўрсатувлар программаси, 17.35 — Болалар учун мулфильм. Рус тилида: 17.45 — «Старшеклассник» программаси, Намангандан олиб кўрсатилади, 18.45 — «Ахборот» информатсион программаси, 19.00 — Совет Тилининг программаси — амада (Ўзбек тилида).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Ҳи минут музика, 20.10 — «Ахборот» информатсион программаси (Ўзбек тилида). 20.30 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

21.00 — «Мархабо, талантлар!» Телевизион фестивали дуртавларининг концерти. Намангандан олиб кўрсатилади. 22.00 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. Ўсимлиқчилик фойдалиги, 23.00 — «Никитин оламида».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.15 дан Москва кўрсатади. 19.30 — Эстетика бўйича якуновчи ўқув кўрсатуви (рус тилида). 20.00 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.30 — Шейр В. В. Малковский тугилган кунининг 80 йиллиги оидидан. Адабий эшитириш (Ўзбек тилида). 21.00 дан Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — Тошкент илгиларлари, 19.15 — «Доктор Вера», Бадий фильм (Ўзбек тилида). Рус тилида: 20.40 — «Надежда Обухова куйлайди». Фильм-концерт, 21.20 — Телевизион спектакль.

НАВОНИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ КАТТА ТЕАТРИДА

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сиз ҳамма гапни айтмасиз, Ферран — «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (тоғ соатларида) «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (жуфт соатларида), «ЎЗБЕК-ТОШКЕНТ 25 ЙИЛЛИГИ», САЙБАТ САРОНИ (нундуз ва кеңурун).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг бос. махонаси, Тошкент шахри.

№ ИНДЕКС 64697. Р. 04168. В—1752.